



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 2 » сентябрь

№ 534

Toshkent sh.

Китоб геология миллий табиат боғини фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4766-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4766-сон қарорига мувофиқ Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Китоб давлат геологик кўриқхонаси давлат муассасаси негизида табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги **Китоб геология миллий табиат боғи** ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Китоб геология миллий табиат боғига кўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадларида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиладиган ер майдонлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Китоб геология миллий табиат боғи ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш ҳамда келгусида ЮНЕСКОнинг Глобал геопарклар тармоғига киритиш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

геология табиат боғи Китоб давлат геологик кўриқхонасининг барча ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

геология табиат боғини ЮНЕСКО глобал геопарк тармоғига киритиш бўйича Давлат геология қўмитаси масъул орган ҳисобланади;

геология табиат боғи ўз низомида белгиланган мақсад ва вазифалар доирасида белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат ҳамда тарифларга мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

4. Қуйидагилар геология табиат боғи фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;
халқаро молия институтлари ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Давлат геология кўмитаси икки ой муддатда:

геология табиат боғининг низоми ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

“Зинзилбан” кесмасига олиб борувчи йўлдан янги туризм йўналиши сифатида фойдаланиш, худуднинг туризм салоҳиятини ёритувчи тарқатма материалларни тайёрлаш ва тарғиб қилишни;

геология табиат боғи штатлар жадвали тасдиқланишини ҳамда у малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

6. Давлат геология кўмитаси раисига геология табиат боғининг ижро этувчи аппарати ходимларининг чекланган умумий сони доирасида геология табиат боғи штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, рекреация ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларидан олинган маблағлар ҳисобига қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Давлат геология кўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан биргаликда геология табиат боғининг:

кўрикхона, рекреация ва хўжалик мақсадларида фойдаланиш зоналари чегаралари аниқ белгиланишини;

ер кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 4-сон, 96-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тўғрисидаги низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов